# ЯШАСИН, БИРИНЧИ МАЙ!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 83 (6973). 2 май, 1979 йил ЧОРШАНБА Баҳоси 2 тийин.

КЕЧА СОВЕТ ХАЛҚИ, БАРЧА ПРОГРЕССИВ ИНСОНИЯТ МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИМПЕРИАЛИЗМГА ҚАРШИ, ТИНЧЛИК, ДЕМОКРАТИЯ ВА СОЦИАЛИЗМ УЧУН КУРАШДАГИ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИ ЗЎР ТАНТАНА БИЛАН НИШОНЛАДИ.

БУ ЙИЛГИ 1 МАЙ СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ БУЗИЛМАС БИРЛИГИ, СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ТЕВАРАГИДА ЖИПСЛАШГАНЛИГИ УЛАРНИНГ КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШГА ҚАТЪИЙ АЗМУ ҚАРОР ҚИЛГАНЛИКЛАРИ НАМОЙИШИГА АЙЛАНДИ.




МОСКВА. Қизил майдон, 1979 йил 1 Май.

# ТИНЧЛИК ВА МЕҲНАТ БАЙРОҒИ ОСТИДА

## МОСКВАДАГИ ҚИЗИЛ МАЙДОНДА БИРИНЧИ МАЙ НАМОЙИШИ

Мамлакат баҳорнинг шу куни қўшиқ билан уйғонади. Қурантларнинг эрталабки тантанавор бонгидан кейин радио мамлакатнинг ҳамма томонига, Камчаткадан Балтикагача Май байрамининг улуғвор оҳанги: «Белоёндир Ватаним менинг...» оҳангини таратади.

Улуғ Октябрь Ватани, у билан бирга эса бутун ер қуррасидаги миллион-миллион меҳнаткашлар тинчлик ва меҳнат байроқларини кўтариб баҳорги байрам юришига чиқадилар.

Байрам пойтахти — Москва ўз проспектлари ва майдонларининг бутун кенглиги бўйлаб шу кунниинг бош шиорлари — КПСС Марказий Комитетининг биринчи май чақириқлари билан безанган. Бу чақириқларнинг дастлабкилари эса меҳнат қилиб тинчликда яшашни истаётган кишиларнинг ҳаммасига қаратилгандир:

«Яшасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни — 1 Май!».

«Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!»

Қизил майдон бирдамлик ва меҳнатнинг тантанали баҳорги маршига шай бўлиб турибди.

Ўнинчи беш йиллик тўртинчи йилининг баҳори мамлакат ҳаётида катта-катта воқеалар билан нишонланди — СССР Олий Советига сайлов ва ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўтказилди. Совет кишилари давлат ҳокимияти олий органининг янги составига социалистик жамиятнинг энг яхши, гоят муносиб гражданларини сайлаб, коммунистик партияга яқдиллик билан ишонишларини, унинг экономикани ривожлантириш ва меҳнаткашлар турмушини яхшилашга, социалистик демократияни такомиллаштиришга ҳамда Ватанимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий йўлини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этдилар.

Бош универсал магазин пештоқида Маркс, Энгельс, Ленининг портретлари туширилган жуда катта панно кўрамиз. Шу панноинг ёнидаги қирмизи алвонга «Коммунизм ғалаба қилади!» — сўзлари ёзилган.

Кремль қурантларининг тилларанг миллари соат 9 дан 50 минут ўтганлигини кўрсатади. Шу лаҳзаларда майдон ўзининг бутун салобатли кенглиги бўйлаб баайни қўтарилгандек бўлди: марш-парад қатнашчилари майдонни лиқ тўлдирдилар.

Фахрий меҳмонлар учун белгиланган минбарларда Ленин партиясининг ветеранларини, Октябрь революциясининг иштирокчиларини кўрамиз. Таклиф этилганлар орасида дастлабки беш йилликларнинг зарбдорлари, шу кунларнинг қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, атоқли саркардалар, фан ва маданият арбоблари, СССРнинг космонавт-учувчилари бор.

Байрамга кўпдан-кўп меҳмонлар — турли мамлакатлар касаба союз ташкилотларининг вакиллари, таниқли жамоат арбоблари, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун курашчилар келишган.

Саккиз минг спортчи биринчи май намойишининг кўркам муқаддимасини бошлаб беради. Улар майдоннинг марказий қисмида «1 Май» деб ёзилган қизил лента ўралган ер қуррасини «чизадилар». Бир неча секунд қотиб қолган рангоранг «жонли гилам» бирданига янги хил ранглар касб этиб, байроқчалар ва вимпеллар тўлқинига айланади.

Майдон узра «Ура!» садолари, гулдурос қарсаклар янграйди. Шу пайт москваликлар ва пойтахт меҳмонлари Коммунистик партия, Совет давлатининг раҳбарларини кизғин, самимий табриклаётган эдилар. **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, М. С. Горбачев** ўртоқлар мавзолейнинг марказий минбарига чиқадилар.

Таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ҳам шу ерда эдилар.

Кремль қурантлари ўн марта бонг уради. Шундан кейин фанфаралар байрам бошланганлигидан дарак беради. Минглаб овозлар яхлит бир хорга қўшилиб кетади — хозир жаҳон халқларининг фикри зикри қаратилган Советлар мамлакатининг бош майдони узра:

«Яшасин халқаро ишчилар синфининг синалган ва қудратли қуроли — пролетар интернационализми!» — деган хитоб сўзлари янграйди.

Миллий мустақиллик учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватлашга, ирқчиликка қарши курашга, Совет Иттифоқи билан араб мамлакатлари халқлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга даъват қилувчи транспарантлар колонналар узра сузиб ўтади.

Минглаб кишилар:

«Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!» деб бараварига айтган хитоби совет кишиларининг тинчлик йўлидаги тинимсиз юришини ифодаловчи қудратли бонг бўлиб янгради.

Биринчи май арафасида Л. И. Брежнев билан В. Жискар д'Эстэн имзолаган Совет-Франция ҳужжатлари, аввало, Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги ҳамкорликни кескинликни юмшатиш ва тинчлик фойдасига янада ривожлантириш программаси КПСС билан Совет давлати тинчликсевар ташқи сиёсатини рўёбга чиқариш йўлидаги муҳим конкрет қадамларнинг бири бўлди. Шу ҳужжатнинг ўзида айтилганидек, томонлар программанинг амалга оширилиши Совет Иттифоқи билан Франция олдида, совет кишилари ва француз-ларнинг ҳозирги ва келажак авлодлари олдида ҳамкорлик қилишнинг янги уфқларини очиб беради ҳамда мустаҳкам ва узоқ давом этадиган тинчликни таъминлаш имкониятларини кенгайтиради, деган ишончга асосланиб, шу программани ишлаб чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг сиймоси тасвирланган панно Марказий майдонда қизил байроқлар ҳамда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан совет халқини шарафловчи Биринчи май чақириқлари ўртасида олиб ўтилади. Сафлар узра КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари портретлари кўтариб олинган.

Колонналар кетидан янги колонналар кириб келган сайин марш-параднинг ёркин безакларига янги-янги туслар қўшила боради. Мана, студентлар қурилиш отрядларида қатнашувчи пойтахт коммунистлари майдонга кириб келадилар. Тез орада улар учун учинчи, меҳнат семестрининг қайнок дамлари бошланади. Мамлакатдаги олти миллиондан зиёд йигит ва қиз студентлар отрядларида ёзги ишчи-сиёсий, меҳнат ва аҳлоқий чиниқишнинг ажойиб сабогини олди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг студентлар отрядлари яқинда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ слёти қатнашчиларига йўллаган табрикномасида шу ватанпарварлик ҳаракатига юксак баҳо берганлиги ёш авлодни меҳнатда янги зафарларга руҳлантирмоқда.

Ёшларнинг: «Ленин ва партия ишига содиқмиз!» деган сўзлари майдон узра қасамёд янглиғ янграйди.

Қизил алвонди шар осмонга кўтарилади. Унда Владимир Ильич Ленин сиймоси кўзга ташланади.

Бутун майдон аҳли шундай хитоб қилади: «Яшасин коммунизм!» Ҳаво тўлдирилган минглаб шарлар «Меҳнат», «Тинчлик», «Май» сўзлари ёзилган байроқчаларни пойтахт осмонига кўтариб кетади.

Тош терилган майдонга янги-янги колонналар шаҳдам одим ташлаб кириб келаверади. Уларнинг олдида йигма ҳарбий духовой оркестр ўтади. У марш ва айни маҳалда фигурали юриш элементларини ижро этади. Сўнгра унинг ўрнига маҳорат кўрсатиш қатнашчилари — Москва гарнизонининг жангчилари байроқларни баланд кўтариб майдонга кириб келадилар. Бешта колонна майдон марказида тўхтайди. Улар орасида Совет Қуролли кучлари қўшин турлари ва хилларининг намояндалари — жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари, моҳир мутахассислар бор. Улар олий саф тортиб юриш маҳоратини, қуролни мукаммал эгаллаш санъатини намойиш қиладилар.

(Давоми 2-бетда)

# ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ БУЗИЛМАС БИРЛИГИ

## ТОШКЕНТДА БАЙРАМ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон пойтахтининг ҳар бир совет киши қалбига азиз бўлган Владимир Ильич номи билан аталувчи Марказий майдони биринчи май қирмизи алвонлари билан лиммо-лим. Иттифоқдош республикаларнинг, совет-лар мамлакати халқларининг бузилмас қардошлиги рамзи бўлмиш байроқлар шамолда хилпираб турибди, транспарантлар, шиорлар, ранг-баранг паннолар бамисоли қип-кизил доладек ҳамма ёқда кўзга ташланади. КПСС Марказий Комитетининг биринчи май чақириқларидаги сўзлар жуда катта алвонларга ёзиб қўйилган минбарларнинг ҳар икки томонида илмий коммунизм асосчилари К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленининг, партия ва давлат раҳбарлари — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг, партия ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатларнинг портретларини кўрамиз.

...Эрталаб соат ўн. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Ҳуйбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг кўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов ҳукумат минбарига чиқадилар.

Қурантлар бонг уради. Тошкент меҳнаткашларининг байрам намойиши пахтазорларга об-ҳаёт элтувчи каналнинг ўзанидаги бамисоли лиммо-лим оқимдек майдонга кириб келади.

Биринчи май намойиши олдида байроқдорлар бориш-моқда. Шаҳар меҳнаткашларининг марксизм-ленинизм порлоқ идеалларига, Тошкент пролетариатининг шонли революцион анъаналарига содиқлигидан далолат берувчи бундай қизил алвонлар жуда кўп. Ўрта Осиёда совет ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш йилларидаёқ жанговар орден билан тақдирланган шаҳар байроғи ёнида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроги мағрур ҳилпираб бормоқда. Республика пойтахти Бутуниттифоқ социалистик мусобақасидаги муваффақиятлари учун сурункасига учинчи марта ана шу байроқ билан мукофотланди. Тошкентдаги кўпдан-кўп корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг вакиллари Бутуниттифоқ ва республика мусобақаларида эришган меҳнат шавкати ва ғалабалардан далолат берувчи худди шундай Қизил байроқларни кўтариб ўтадилар.

Шаҳарнинг меҳнат коллективлари бу йилги биринчи майни янги катта ютуқлар билан кутиб олдилар. Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш ҳисобига тўрт ойлик пландан ташқари йигирма миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб реализация қилинди. Давлат Сифат белгиси қўйилган буюмлар ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан тўртдан бир ҳисса кўпайди. 75 мингдан зиёд ишчи байрамни тўрт йил, беш йил ва бундан ҳам кўпроқ йил топшириқларини ado этиб кутиб олди. Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари партия XXV съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумлари қарорларини, Леонид Ильич Брежневнинг тавсиялари ва йўл-йўриқларини шараф билан бажаришга аэми қарор берганликларини ана шундай тасдиқламоқдалар.

(Давоми 2-бетда)

# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

**Азиз ўртоқлар!**

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети, Совет Иттифоқи аҳолиси турли қатламларининг фикри-зикрини ифодалаб, В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигини ўтказишдан олинган маблағнинг 75 процентини Хитойнинг реакцион ҳукмронлари бошлаган агрессив уруш оқибатларини бартараф этишда Вьетнам халқига ёрдам ва мадад бериш учун юборишга қарор қилганликларини эшитиб, биз бениҳоя тўлқинландик.**

**Хитой реакцион ҳукмдорлари Вьетнам Социалистик Республикасига қарши кенг миқёсда агрессив уруш бошлаб юборганларидан кейин дарҳол Вьетнам халқи КПСС, Совет ҳукумати ва совет халқидан қатъий, қудратли ва ўз вақтида мадад олди. Бизнинг халқимиз Хитой реакцион ҳукмрон доираларининг ҳозирги босқичдаги дастлабки агрессив режаларини мағлубиятга учратиб, эндиликда ўзининг бутун куч-гайратини агрессия натижасида келиб чиққан оқибатларни бартараф этишга қаратмоқда, чегара районларида ишлаб чиқаришни ва аҳоли турмушини стабиллаш мақсадини кўзламоқда. Бу йилги коммунистик шанбаликни ўтказишдан олинган маблағнинг 75 процентини Вьетнам халқига ёрдам бериш мақсадида юборишингиз жуда катта аҳамиятга эга бўладиган самарали ёрдамдир.**

**Бу — мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорликнинг яна бир амалий кўринишидир.**

**Вьетнам Коммунистик партияси, Вьетнам ҳукумати ва халқи номидан юксак пролетар интернационализми руҳи билан суғорилган ана шу ёрдам учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, СССР ҳукуматига, қардош совет халқига астойдил миннатдорчилик изҳор этишимизга ижозат бергайсиз. Қардош совет халқига ҳурматли ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно раҳбарлигида коммунизм қурилиши ишида янада катта муваффақиятларга эришувини, бутун дунёда революция ва тинчликни ҳимоя қилиш ишига актив ҳисса қўшишини тилашга руҳсат бергайсизлар.**

**Иккала мамлакатнинг партиялари ва халқлари ўртасидаги жанговар бирдамлик ва буюк дўстлик кун сайин мустаҳкамлансин ва ривожланаберсин!**

**КОММУНИСТИК САЛОМ БИЛАН ВЬЕТНАМ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.**



Тошкентдаги В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашларнинг биринчи Май намойишлари.

# ТИНЧЛИК ВА МЕҲНАТ БАЙРОҒИ ОСТИДА

(Боши 1-бетда).

Духовой оркестр ҳамроҳлигидаги жангчилар бир текис саф тортиб мавзолей минбарлари ёнидан «Кичик ер» тантанали марш қўшиғи садолари остида ўтадилар. Москва меҳнат аҳлининг тарих музейи томонидан эшитилган қуйлари бу овозларнинг ўрнини олади. Намойишчиларнинг колонналари Қизил майдонга кириб келадилар.

Намойиш тўққиз колонна бўлиб бошланади. Москварека, Пролетар, Ленин, Красная Пресня, Фрунзе, Свердлов, Дзержинский, Бауман, Калинин районларининг меҳнаткашлари майдонга кириб келадилар.

Баҳор гуллари ва байроқларнинг ёркин безаги бўлиб 50 рақами қайта-қайта кўзга ташланади. Бу рақам коммунизм қуриш мақсадини кўзловчи меҳнат жасоратига совет кишилари неча-неча авлодларининг дахлдорлигини ифодалайди. Биринчи май арафасида мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик планини партия XVI конференцияси қабул этган кунга ярим аср тўлди.

Беш йиллик! Бу сўз 50 йил муқаддам бўлганидек ҳозир ҳам қудратли, даъваткор ва салобатли янграйди. Бу сўз — халқ оммаси меҳнат жасоратининг, авлодлар узлуксиз қаҳрамонлик эстафетасининг рамзидир.

Машҳур «ЗИЛ» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг номояндалари байрам намойишининг биринчи қатнашчилари сафида Қизил майдонга кириб келадилар. Корхона байроғида бешта давлат мукофоти ярқираб турибди. Завод цехларида бутун куч-ғайратни сарфлаб, яхшироқ ишлаштиёқи билан юзага келган кўпдан-кўп қимматли ташаббуслар бутун мамлакатда кўп кишини ўзига эргаштирди. Уларни беш йиллик топшириғини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача бажаришга қарор берган автомобиль йигувчиларнинг ташаббуси кун сайин кенгайиб, кучайиб бормоқда. Қип-кизил транспарантга «5400» рақами ёзилган. Ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббусини автозаводчилардан ана шунча киши қўллаб-қувватлади. «Ўртоқ Л. И. Брежневнинг автозаводчилар олдига қўйган вазифаларини бажарамиз!» деган сўзлар ёзилган транспарант мавзолей олдидан олма гуллари денгизида сузиб ўтгандек туюлади.

— Бундан уч йил муқаддам биринчи Май арафасида Леонид Ильич бизнинг заводимизга бориб, ишчилар билан суҳбатлашган эди, дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «ЗИЛ»нинг асбобсоз слесари Н. Мячин.— Унинг насиҳатлари ва истаклари автозаводчилар учун жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолди.

Байрам оқими узра «50» рақами яна қайта-қайта такрорланади. Москванинг энг кекса корхонаси — «Динамо» электр машинасозлиги заводининг транспарантидаги бу рақамнинг алоҳида маъноси бор. Корхонанинг эллик иккинчи йилига 1 Майгача шахсий беш йиллик планларини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида, жумладан, 1978 йил якунида ҳам голиб чиққан динамочилар коллективи биринчи Майни тўрт ойлик давлат планини, қишлоқ хўжалигига маҳсулот етказиб бериш ярим йиллик планини бажариш билан кутиб олди. «Динамо» заводида ишлаб чиқарилган электр двигателлари, метро вагонлари, троллейбуслар, юк кўтариш кранлари учун бошқарув аппаратларига олий Сифат белгиси берилган. Яна бир неча маҳсулотга байрам арафасида Сифат белгиси берилди, энди корхона маҳсулотининг сал кам 58 процентига фахрий беш бурчак тамғаси қўйиб чиқарилмоқда.

Бугун Москвада, ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бўлиб ўтган байрам намойишлари колонналари узра уруш арафасидаги беш йилликларнинг қаҳрамонлари — Стаханов ва Бусыгин, Демченко ва Кривонос, Ангелина ва Виноградоваларнинг номлари билан бирга уларнинг минг-минглаб издошлари намояндалари — Гаранова ва Мамай, Злобин ва Куликова, Смирнов ва Мурзенко, Гиталов, Клепиков ва иш самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш мусобақасида қатнашувчи бошқа кўпгина кишиларнинг номларини ўқиймиз.

«Самарадорлик ва сифат» сўзлари совет халқи фаолиятининг КПСС XXV съезди кўрсатиб берган катта йўлини белгиловчи беш йиллигининг руҳлантирувчи шиори бўлиб қолган. Ҳозир беш йиллигининг мусобақа билан алоқаси айниқса салмоқли намоён бўлмоқда. Биз бу ҳаракатни социалистик деб аташимиз бежиз эмас. Унда инсоннинг меҳнатга муносабатигина эмас, унинг бутун мамлакат тақдиридан астойдил манфаатдорлиги ҳам ифодаланади.

— Социалистик мусобақа,— дейди Владимир Ильич номли электромеханика заводи байрам колоннасининг пешқадами, Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени кавалери, новатор слесарь К. Сахаров,— ҳар биримизга ижодкорликнинг кенг йўлини очди, меҳнаткаш инсон деган номни мисли-сиз юксакликка кўтарди.

Серго Оржоникидзе номли станоксозлик заводининг коллективи учун бу йилги биринчи Май алоҳида аҳамиятлидир. Бундан ярим аср муқаддам биринчи беш йиллик планга мувофиқ заводни кўриш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Орадан уч йил ўтгач, Ватан станоксозлигининг тўнғич корхонаси ишга туширилгандан кейин биринчи Май намойишининг қатнашчилари байрамга атаб тайёрланган дастлабки бешта токарь-револьвер станокларидан бирини Қизил майдондан олиб ўтганди. Ҳозирги кунда эса завод коллективи ўнинчи беш йиллик бошидан буёнгина икки ярим мингдан кўпроқ станок ва 120 дан зиёд автомат линияни тайёрлаб берди. Бу станок ва автомат линияларнинг талайгинаси КАМАЗда ишламоқда.

Байрам маршида оташ касб қишилар — «Серп и молот» металлургия заводининг коллективи бормоқда. Пойтахт металлургиясининг тубдан реконструкциялаш шароитида ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда пан топшириқларини муваффақиятли уддаламоқдалар. Термик печларнинг энг яхши ишчиси коммунист Ю. Лимоновга Калинин районининг байроғини кўтариб бориш топширилган. Илғор ишчи ишлаб чиқаришдаги юксак кўрсаткичлар учун шу шарафга сазовор бўлди. У бултур 28 сентябрда беш йиллик топшириғини бажариб қўйди, Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача эса яна уч йиллик норманы бажариш мажбуриятини олди.

Ленин районининг колонналари узра баҳор учун хос бўлмаган олтин бошоқлар ранги ёйилди ва Май намойишининг пушти-яшил рангини бир дақиқа ғойиб қилди. Леонид Ильич Брежнев китобининг номи — «Кўриқ» колоннасининг у қанотидан бу қанотигача чўзилган. «Кўриқ» совет кишилари ажойиб зафарларининг ёркин саҳифаларидан бирини тасвирлайди. Мамлакатимиз яқинда 25 йиллигини нишонлаган қаҳрамонона кўриқ эпопеяси ҳамманинг ёдида. 1954 йил 7 ноябрда намойишчиларнинг колонналари кўриқдаги дастлабки хосилнинг бир боғ бугдойини Қизил майдондан олиб ўтишган эди. Ана шу биринчи ҳосил олингунига қадар эса ёввойи ўт босган бепоён даштларда кишилар биринчи чодирларни тикишган, пойтахт вакиллари бўлажак совхозлар ўрнида дастлабки қозиқларни қоқишган эди. Минг-минглаб москвaликлар партиянинг даъвати ва қалб амри билан кўриқ ерларга жон бағишлаш учун Қозоғистон ва Сибирга, Урал ва Поволжьега жўнаб кетдилар. Орадан бир йил ўтар-ўтмас улар 20 хўжалигини барпо этдилар. Бу хўжаликлар пойтахт районларининг «номларини» олди — «Бауманский», «Краснопресненский», «Москворецкий» совхозлари ва ҳоказо.

Дастлабки чўлқувварларнинг брезент чодирлари алламаҳачон тарих музей экспонатлари бўлиб қолди, кўриқдаги биринчи жўяқларни очган тракторлар ёдгорлик сифатида супаларга чиқариб олиб қўйилди. Лекин ҳар йили кўзда кўриқ эпопеяси давомида ўзлаштирилган 42 миллион гектар ғаллазор салмоқли дон бермоқда. Бу эпопея совет тузумининг ғоят буюк ғоявий кучини, кишиларимиз руҳининг улуғворлигини бутун дунёга яна бир марта кўрсатди.

Сафларнинг устида бамисоли кўп қаватли уйларнинг кварталлари баланд қад кўтаргандек бўлди. Пойтахт бинокорлари ўтиб боришмоқда.

Пойтахт харитасида шундай турар жой массивлари пайдо бўлдики, уларни баъзи бир шаҳарлар билан тенглаштириш мумкин. Чертаново, Тёплийстан, Бирюлева-Западное шулар жумласидандир. Ҳозир шаҳарнинг кўпгина районларида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ана шу районларнинг ҳар бирида пойтахтнинг мамлакатда машҳур бинокорларидан бири— Социалистик Меҳнат Қаҳрамони «Зеленоградстрой» бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Н. Злобиннинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга оладилар. Бригада пудрати талабчан мижозларни бўлган злобинчилар биринчи Майни янги меҳнат ғалабалари билан кутиб олдилар.

— Пойтахт бинокорлари ўз ютуқлари тўғрисида рапорт бераётган шу баҳор кунида,— дейди Н. Злобин,— самарадорлик ва сифат йўлидаги умумхалқ юришига ўзимиз қўшган ҳисса тўғрисида маълум қилишга ҳам қувончлидир. Биз бригада пудрати усулида юзлаб уйларни барпо этдик ва тўққизинчи беш йилликда жами икки йилни «тежаб қолдик», неча ўн минг сўм маблағни иқтисод қилдик.

Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалиги совет кишилари меҳнат ғайратининг ёркин намунаси бўлди. Шу куни москвaликлардан 6.5 миллион киши совет кишилари билан бирга зарбдорларча меҳнат қилди. Шаҳар корхоналари ва ташкилотлари ўзининг беш йилликни барвақт бажариш фондига ва Хитой агрессиясидан азият чеккан қардош Вьетнамга ёрдам бериш фондига бир неча ўн миллион сўмлик фойда ва иш ҳақини топширди. «ЗИЛ» ишчилари шанбалик куни тайёрлаган бир эшелон автомобиль завод конвейеридан тўппа-тўғри Вьетнамга жўнатилди.

Совет пойтахтида таълим олаётган социалистик мамлакатларнинг студентлари ҳам шанбаликда автозаводчилар билан бирга меҳнат қилдилар. Булар орасида Москва энергетика институтининг аспиранти Нгуен Мань Хиену ҳам бор эди.

— Биз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг шанбаликдан олинган маблағнинг тўртдан уч қисмини ватанимизга ёрдам бериш учун юбориш тўғрисида қарор қабул қилганлигини билганимиздан кейин, — дейди вьетнамлик йигит,— ҳамюртларимиз уюштирган, пойтахт вакилларининг ҳамроҳлигидаги ўзбекистонлик меҳнаткашлар ҳам шанбаликда қатнашдилар. Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари бугунги ёркин байрам куни шу ерда, намойишда Ильичга унинг васиятлари бажарилганлиги тўғрисида рапорт бермоқдалар. Мана шу биринчи май намойишига назар ташлар экансан, Тошкент меҳнат аҳлининг Ленин даҳоси нурафшон этган йўлдаги сафарлари ёркин йилномасининг саҳифаларини кўз ўнгингда кўргандек бўласан киши.

Бу йил байрам намойишининг безатилишида ўзига хос бир белги бор—кўпдан-кўп транспарантлар, панно-лар биринчи беш йиллик планнинг 50 йиллигига бағишланган. Социалистик ва коммунистик қурилиш тарихининг ўзи, Советлар мамлакатининг ўнта беш йиллиги майдонда намойишчиларнинг колонналари билан бирга ўтгандек бўлади. Колонналарнинг бири узра кўтариб олинган диаграмма тошкентликлар бунёдкорлик ишларининг кўламини, беш йилликлар мобайнида партия ленинча миллий сиёсати қўёши остида шаҳар ҳаётида рўй берган ғоят катта ўзгаришларни кўрсатади: ҳозир индустриал Тошкент бир кунда бундан эллик йил муқаддам бир йил мобайнида ишлаб чиқарилганига тенг маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Байрам колонналарида коллективлари ўтиб бораётган корхоналарнинг номлари беш йилликларнинг одимини, собиқ миллий чекка ўлкаларнинг халқлари олдида «иқтисодий ва маданий равнақнинг чексиз уфқларини очиб берган улуғвор бунёдкорлик программасини ифода этади.

Собиқ темир йўл устахоналари негизида бунёд этилган транспорт индустриясининг қудратли замонавий корхонаси — Октябрь революцияси номли тепловоз ремонт заводининг колоннаси ўтиб бормоқда. Тошкент пролетариати ҳудди шу ерда вужудга келган, ўша олис ўтмишда ишчилар подшо полициячиларидан яширинча дастлабки маёвкаларга шу ерда йиғилишларди. Эндиликда Тошкентдаги энг яхши меҳнат коллективларидан бири — тепловоз ремонтчилар шаҳарининг марказий майдонида мағрур одим ташлаб, халқаро пролетар бирдамлиги байрамини янги-янги ютуқлар билан кутиб олганликлари тўғрисида рапорт бермоқдалар.

Ўрта Осиё машинасозлигининг тўнғичи — «Ташсельмаш» заводининг меҳнатчилари ўтишмоқда. Бу заводни ўттизинчи йилларнинг бошларида бутун мамлакат барпо этган эди. Корхона ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустақим Юсупов билан суҳбатлашамиз. Тунукасоз кустарнинг ўғли, машҳур токарь, эндиликда ёшларнинг мураббийси бўлиб қолган М. Юсупов ташсельмашликлар урушдан кейинги йилларда биринчи пахта териш машинасини Ленин майдонидан нақадар зўр ифтихор билан олиб ўтишганини эслайди. Ҳозир эса қудратли «заигори кема»лар завод конвейеридан поток усулида тушиб турибди. Бу кемаларни эндиликда музей экспонати бўлиб қолган ўша биринчи машинага мутлақо таққослаб бўлмайди. Ишчилар, олимлар, конструкторлар ва инженерларнинг коллектив меҳнати билан яратилган бу кемалар деҳқонларнинг пахтачиликда чинакам революцияни амалга оширишларига имкон берди, минг-минглаб кишиларни ҳосил теримида қўл меҳнатидан халос қилди. «Ташсельмаш» маркаси қўйилган терим комбайнлари ҳозирги кунда пахтакор иттифоқдош республикалардагина яхши маълум бўлиб қолмай, бу комбайнларни кўпгина чет эл мамлакатларининг далаларида ҳам кўриш мумкин.

Колонналар узра «Дўстлик! Бирлик! Қардошлик!» сўзлари порлайди. Тўқимачилик комбинатининг ветеранлари совет халқлари улуғ дўстлигини шарафловчи транспарантларни кўтариб бормоқдалар. Иванозо, Москва области, Ленинград тўқувчилари ана шу ветеранларнинг биринчи мураббийлари бўлишган эди. Тошкент тўқимачиларининг ҳозирги авлоди ўшанда вужудга келган анъаналарни авайлаб асраб, ривожлантирмоқда. Лидия Казанцева, Буолма Жўраева, Дилбар Қулматованинг, шу корхона шонли меҳнатчиларидан кўпгина бошқа кишиларнинг номлари бутун мамлакатга машҳурдир. Булар республикада доимо социалистик мусобақанинг ташаббускорлари бўлиб чиқмоқдалар.

Мусобақа... Бугун майдондан ўтаётган ҳар бир киши учун социалистик бунёдкорликнинг дастлабки ойларида пайдо бўлган бу сўз инсоний меҳнатнинг қудратли омили бўлиб қолди. Стахановчилик ҳаракатининг ветеранлари, «минглар шартномаси»га биринчилар қаторида имзо чеккан эркак ва аёл ишчилар, уларнинг ёш ўринбосарлари — бугунги кунда меҳнат эстафетасини қабул қилиб олиб, ишчилар авлодларининг ишини дадил давом эттираётган қишилар байрам марши-да бормоқдалар. Ҳозир юз мингдан кўпроқ ишчи, икки юздан зиёд корхона, цех, участка ва бригада Коммунистик меҳнат заъфодори ва коллективи номига сазовор бўлган.

Коммунистик меҳнат коллективи, бугунги Тошкент экономикасининг қиёфасини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи В. П. Чкалов номли авиация-ишлаб чиқариш бирлашмаси 1 Май колоннасининг эмблемаси — кўкка парвоз қилаётган лайнердир. Корхона цехлари энг янги конструкциядаги станоклар билан муттасил таъмеланиб турибди, бу ерда автоматика, энг илғор технология жорий этилган. Фрезерчи Альбина Девятованинг беш йиллик мобайнида меҳнат унумдорлигини ишчиларнинг сифат кафолати билан икки баравар ошириш тўғрисидаги ташаббусини минглаб самолётсозлар қўллаб-қувватладилар.

Тошкент тракторсозлари ҳам биринчи май намойишида техника тараққиёти соҳасида эришган ютуқлари тўғрисида рапорт бермоқдалар. Трактор заводи конвейеридан тобора кўпроқ қудратли машиналар тушмоқда. Бу машиналар пахтакорлар олдида янги уфқларни очмоқда, мўл ҳосил учун курашда уларнинг имкониятини кўпайтирмоқда.

«5.700.000 тонна» — байрамона безатилган колонналарда жуда кўп учрайдиган бу рақамлар Ўзбекистон пахтакорларининг беш йиллик тўртинчи йилидаги мажбуриятинигина ифодалаб қолмай, айни вақтда ўроқ ва болға иттифоқининг мустаҳкамлигидан, Тошкентнинг меҳнат аҳли республиканинг бош, интернационал вазифасини ҳал этишга — Ўзбекистон «оқ олтин» етиштиришни кўпайтиришга қўшаётган ҳиссаси муттасил кўпайиб бораётганлигидан ҳам далолат беради. Ватанга энг кўп миқдорда сифатли пахта етказиб берилмоғи учун Тошкент деҳқонларини энг янги техника билан қуроллантирмоқда, уларни фан ютуқларидан баҳраманд қилмоқда. КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини шаҳарликлар ўзлари учун жанговар ҳаракат программаси деб қабул қилдилар.

Бинокорларнинг намойишдаги колонналарида одамлар жуда кўп. Мана шу улуғвор архитектура ансамбли — тошкентликларнинг ифтихорини ўз қўллари билан бунёд этган, кўркам биноларни, уй-жой кварталларини барпо қилган кишилар бош майдондан ўтадилар. Ишчилар қардошлигининг қувватидан кучга тўлган ана шу кишиларнинг қўллари билан, барча республикалар вакилларининг ёрдами билан Ўзбекистон пойтахти қайтадан бунёдга келди — ҳозирги ажойиб шаҳар қурилди. Мана, яна бир диққатга сазовор колонна — майдонда метро қурувчилар ўтиб бормоқдалар.

Намойишчиларнинг кети узилмайди. Уларнинг сафларида кейинги Бутуниттифоқ рўйхати кўрсатганидек аҳоли сони жиҳатидан мамлакатда тўртинчи шаҳар бўлмиш Тошкентнинг бутун меҳнат аҳли намоядалари бор. Байрам намойиши қатнашчилари орасида олимлар ва студентлари, ўқитувчилар ва врачларни, савдо-сотиқ, коммунал хўжалиги ва маиший хизмат, автомобиль транспорти ходимларини, адабиёт ва санъат арбобларини, барча ижодий союзларнинг вакилларини кўрамиз. Совет халқи барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — жонажон Коммунистик партия шарафига, меҳнат аҳлининг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишни энг биринчи ўринга қўйётган ленинчи партия шарафига айтилган табрик сўзларига намойиш қатнашчилари яқдиллик билан «Ура» деб жавоб қайтарадилар.

Минбарда турган қишилар Вьетнам, Афғонистон, бошқа мамлакатларнинг майдондан ўтиб бораётган йигит ва қизларини қарсаклар билан кутиб оладилар. Бу йигит ва қизлар Тошкент ўқув юртларида билим олмоқдалар, ишчи касбларини ўрганмоқдалар. Ўзбекистон пойтахти — тинчлик, дўстлик ва қардошлик шаҳри ўзининг интернационал бурчига содиқдир.

Биринчи май намойишининг қатнашчилари партия ва Совет ҳукуматининг доно ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини билдирадилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг портретлари намойишчиларнинг колонналари узра кўтариб олинганлиги ана шундай қўллаб-қувватлашнинг, меҳнаткашлар астойдил миннатдорчилигининг ифодасидир.

Тошкентликлар Леонид Ильичга «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Кўриқ» китоблари учун, тинчлик йўлида ҳормай-толмай курашаётгани учун Ленин мукофоти берилганлиги билан уни сидқидилдан муборакбод этмоқдалар.

Тошкентдаги Ленин майдонида ўтказилган биринчи Май намойиши Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида жипслашганлигини, марксизм-ленинизм байроғига содиқлигини, ўз ишлари билан ватаннинг, совет халқлари кўп миллатли оиласининг қудратини мустаҳкамлашга тайёрлигини яна бир бор кўрсатди.

**А. БАРАНОВ,**
**Г. ЛИПШИЦ.**

**Ўзбекистон информация агентлигининг мухбирлари.**

# ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ БУЗИЛМАС БИРЛИГИ

(Боши 1-бетда).

Колонналар Коммунистик партия билан жаҳонда биринчи кўп миллатли меҳнаткашлар давлатининг бунёдкори, жаҳон пролетариатининг йўлбошчисига ўрнатилган улуғвор ҳайкал ёнидан ўтиб бормоқда. Ильич шарққа нигоҳ ташлаб, уйғонган халқларга бамисоли мурожаат қилиб, пролетар революцияси байроғини баланд кўтаришга даъват этаётгандек. Ленин иқтисодий ва маданий равнақ чўққиларига эришган, социализмнинг Шарқдаги чинакам машъали бўлиб қолган совет Ўрта Осиёсининг бугунги кунини баайни кўриб турибди.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари бугунги ёркин байрам куни шу ерда, намойишда Ильичга унинг васиятлари бажарилганлиги тўғрисида рапорт бермоқдалар. Мана шу биринчи май намойишига назар ташлар экансан, Тошкент меҳнат аҳлининг Ленин даҳоси нурафшон этган йўлдаги сафарлари ёркин йилномасининг саҳифаларини кўз ўнгингда кўргандек бўласан киши.

Бу йил байрам намойишининг безатилишида ўзига хос бир белги бор—кўпдан-кўп транспарантлар, панно-лар биринчи беш йиллик планнинг 50 йиллигига бағишланган. Социалистик ва коммунистик қурилиш тарихининг ўзи, Советлар мамлакатининг ўнта беш йиллиги майдонда намойишчиларнинг колонналари билан бирга ўтгандек бўлади. Колонналарнинг бири узра кўтариб олинган диаграмма тошкентликлар бунёдкорлик ишларининг кўламини, беш йилликлар мобайнида партия ленинча миллий сиёсати қўёши остида шаҳар ҳаётида рўй берган ғоят катта ўзгаришларни кўрсатади: ҳозир индустриал Тошкент бир кунда бундан эллик йил муқаддам бир йил мобайнида ишлаб чиқарилганига тенг маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Байрам колонналарида коллективлари ўтиб бораётган корхоналарнинг номлари беш йилликларнинг одимини, собиқ миллий чекка ўлкаларнинг халқлари олдида «иқтисодий ва маданий равнақнинг чексиз уфқларини очиб берган улуғвор бунёдкорлик программасини ифода этади.

Собиқ темир йўл устахоналари негизида бунёд этилган транспорт индустриясининг қудратли замонавий корхонаси — Октябрь революцияси номли тепловоз ремонт заводининг колоннаси ўтиб бормоқда. Тошкент пролетариати ҳудди шу ерда вужудга келган, ўша олис ўтмишда ишчилар подшо полициячиларидан яширинча дастлабки маёвкаларга шу ерда йиғилишарди. Эндиликда Тошкентдаги энг яхши меҳнат коллективларидан бири — тепловоз ремонтчилар шаҳарининг марказий майдонида мағрур одим ташлаб, халқаро пролетар бирдамлиги байрамини янги-янги ютуқлар билан кутиб олганликлари тўғрисида рапорт бермоқдалар.

Ўрта Осиё машинасозлигининг тўнғичи — «Ташсельмаш» заводининг меҳнатчилари ўтишмоқда. Бу заводни ўттизинчи йилларнинг бошларида бутун мамлакат барпо этган эди. Корхона ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустақим Юсупов билан суҳбатлашамиз. Тунукасоз кустарнинг ўғли, машҳур токарь, эндиликда ёшларнинг мураббийси бўлиб қолган М. Юсупов ташсельмашликлар урушдан кейинги йилларда биринчи пахта териш машинасини Ленин майдонидан нақадар зўр ифтихор билан олиб ўтишганини эслайди. Ҳозир эса қудратли «заигори кема»лар завод конвейеридан поток усулида тушиб турибди. Бу кемаларни эндиликда музей экспонати бўлиб қолган ўша биринчи машинага мутлақо таққослаб бўлмайди. Ишчилар, олимлар, конструкторлар ва инженерларнинг коллектив меҳнати билан яратилган бу кемалар деҳқонларнинг пахтачиликда чинакам революцияни амалга оширишларига имкон берди, минг-минглаб кишиларни ҳосил теримида қўл меҳнатидан халос қилди. «Ташсельмаш» маркаси қўйилган терим комбайнлари ҳозирги кунда пахтакор иттифоқдош республикалардагина яхши маълум бўлиб қолмай, бу комбайнларни кўпгина чет эл мамлакатларининг далаларида ҳам кўриш мумкин.

Колонналар узра «Дўстлик! Бирлик! Қардошлик!» сўзлари порлайди. Тўқимачилик комбинатининг ветеранлари совет халқлари улуғ дўстлигини шарафловчи транспарантларни кўтариб бормоқдалар. Иванозо, Москва области, Ленинград тўқувчилари ана шу ветеранларнинг биринчи мураббийлари бўлишган эди. Тошкент тўқимачиларининг ҳозирги авлоди ўшанда вужудга келган анъаналарни авайлаб асраб, ривожлантирмоқда. Лидия Казанцева, Буолма Жўраева, Дилбар Қулматованинг, шу корхона шонли меҳнатчиларидан кўпгина бошқа кишиларнинг номлари бутун мамлакатга машҳурдир. Булар республикада доимо социалистик мусобақанинг ташаббускорлари бўлиб чиқмоқдалар.

Мусобақа... Бугун майдондан ўтаётган ҳар бир киши учун социалистик бунёдкорликнинг дастлабки ойларида пайдо бўлган бу сўз инсоний меҳнатнинг қудратли омили бўлиб қолди. Стахановчилик ҳаракатининг ветеранлари, «минглар шартномаси»га биринчилар қаторида имзо чеккан эркак ва аёл ишчилар, уларнинг ёш ўринбосарлари — бугунги кунда меҳнат эстафетасини қабул қилиб олиб, ишчилар авлодларининг ишини дадил давом эттираётган қишилар байрам марши-да бормоқдалар. Ҳозир юз мингдан кўпроқ ишчи, икки юздан зиёд корхона, цех, участка ва бригада Коммунистик меҳнат заъфодори ва коллективи номига сазовор бўлган.

Коммунистик меҳнат коллективи, бугунги Тошкент экономикасининг қиёфасини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи В. П. Чкалов номли авиация-ишлаб чиқариш бирлашмаси 1 Май колоннасининг эмблемаси — кўкка парвоз қилаётган лайнердир. Корхона цехлари энг янги конструкциядаги станоклар билан муттасил таъмеланиб турибди, бу ерда автоматика, энг илғор технология жорий этилган. Фрезерчи Альбина Девятованинг беш йиллик мобайнида меҳнат унумдорлигини ишчиларнинг сифат кафолати билан икки баравар ошириш тўғрисидаги ташаббусини минглаб самолётсозлар қўллаб-қувватладилар.

Тошкент тракторсозлари ҳам биринчи май намойишида техника тараққиёти соҳасида эришган ютуқлари тўғрисида рапорт бермоқдалар. Трактор заводи конвейеридан тобора кўпроқ қудратли машиналар тушмоқда. Бу машиналар пахтакорлар олдида янги уфқларни очмоқда, мўл ҳосил учун курашда уларнинг имкониятини кўпайтирмоқда.

«5.700.000 тонна» — байрамона безатилган колонналарда жуда кўп учрайдиган бу рақамлар Ўзбекистон пахтакорларининг беш йиллик тўртинчи йилидаги мажбуриятинигина ифодалаб қолмай, айни вақтда ўроқ ва болға иттифоқининг мустаҳкамлигидан, Тошкентнинг меҳнат аҳли республиканинг бош, интернационал вазифасини ҳал этишга — Ўзбекистон «оқ олтин» етиштиришни кўпайтиришга қўшаётган ҳиссаси муттасил кўпайиб бораётганлигидан ҳам далолат беради. Ватанга энг кўп миқдорда сифатли пахта етказиб берилмоғи учун Тошкент деҳқонларини энг янги техника билан қуроллантирмоқда, уларни фан ютуқларидан баҳраманд қилмоқда. КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини шаҳарликлар ўзлари учун жанговар ҳаракат программаси деб қабул қилдилар.

Бинокорларнинг намойишдаги колонналарида одамлар жуда кўп. Мана шу улуғвор архитектура ансамбли — тошкентликларнинг ифтихорини ўз қўллари билан бунёд этган, кўркам биноларни, уй-жой кварталларини барпо қилган кишилар бош майдондан ўтадилар. Ишчилар қардошлигининг қувватидан кучга тўлган ана шу кишиларнинг қўллари билан, барча республикалар вакилларининг ёрдами билан Ўзбекистон пойтахти қайтадан бунёдга келди — ҳозирги ажойиб шаҳар қурилди. Мана, яна бир диққатга сазовор колонна — майдонда метро қурувчилар ўтиб бормоқдалар.

Намойишчиларнинг кети узилмайди. Уларнинг сафларида кейинги Бутуниттифоқ рўйхати кўрсатганидек аҳоли сони жиҳатидан мамлакатда тўртинчи шаҳар бўлмиш Тошкентнинг бутун меҳнат аҳли намоядалари бор. Байрам намойиши қатнашчилари орасида олимлар ва студентлари, ўқитувчилар ва врачларни, савдо-сотиқ, коммунал хўжалиги ва маиший хизмат, автомобиль транспорти ходимларини, адабиёт ва санъат арбобларини, барча ижодий союзларнинг вакилларини кўрамиз. Совет халқи барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — жонажон Коммунистик партия шарафига, меҳнат аҳлининг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишни энг биринчи ўринга қўйётган ленинчи партия шарафига айтилган табрик сўзларига намойиш қатнашчилари яқдиллик билан «Ура» деб жавоб қайтарадилар.

Минбарда турган қишилар Вьетнам, Афғонистон, бошқа мамлакатларнинг майдондан ўтиб бораётган йигит ва қизларини қарсаклар билан кутиб оладилар. Бу йигит ва қизлар Тошкент ўқув юртларида билим олмоқдалар, ишчи касбларини ўрганмоқдалар. Ўзбекистон пойтахти — тинчлик, дўстлик ва қардошлик шаҳри ўзининг интернационал бурчига содиқдир.


Биринчи май намойишининг қатнашчилари партия ва Совет ҳукуматининг доно ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини билдирадилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг портретлари намойишчиларнинг колонналари узра кўтариб олинганлиги ана шундай қўллаб-қувватлашнинг, меҳнаткашлар астойдил миннатдорчилигининг ифодасидир.

Тошкентликлар Леонид Ильичга «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Кўриқ» китоблари учун, тинчлик йўлида ҳормай-толмай курашаётгани учун Ленин мукофоти берилганлиги билан уни сидқидилдан муборакбод этмоқдалар.

Тошкентдаги Ленин майдонида ўтказилган биринчи Май намойиши Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида жипслашганлигини, марксизм-ленинизм байроғига содиқлигини, ўз ишлари билан ватаннинг, совет халқлари кўп миллатли оиласининг қудратини мустаҳкамлашга тайёрлигини яна бир бор кўрсатди.

**А. БАРАНОВ,**
**Г. ЛИПШИЦ.**

**Ўзбекистон информация агентлигининг мухбирлари.**



Тошкентдаги В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашларнинг биринчи Май намойишлари.

А. Абалян фотолари.

# ОБЛАСТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

**МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ тинчлик, демократия ва социализм учун курашда Халқаро бирдамлик куни — Май байрами областимиз шаҳар ва районларида ҳам зўр тантана билан нишонланди. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ўзларининг КПСС теварагига маҳкам жипслашганликларини, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида янги-янги ютуқларни қўлга киритаётганликларини намойиш қилдилар.**

## АНГРЕН

ШАҲАРНИНГ бугунги қиёфаси бутунлай ўзгача. Баҳор ўзининг бутун гўзаллигини намойиш қилган. Кенг кўчалардаги қирмизи байроқлар, Коммунистик партияни, халқлар дўстлигини, меҳнатни улуғловчи транспарантлар узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб турибди. Намойишчилар юзидаги кулгу, қалбларда жўш ўрган шоду-хуррамлик шаҳарнинг бугунги қиёфасига ярашиқ.

В. И. Ленин номли майдон, айниқса, дид билан безатилган. Фанфараларнинг қувноқ садоси меҳнаткашларнинг Биринчи май намойиши бошланганидан хабар беради. Анъанага кўра биринчи бўлиб майдонга меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари кириб келадилар.

Майдон узра «Қора олтин ижодкорларига шон-шарафлар!», деган хитоб баралла янграйди. Ангрен кўмир разрези кончилари музика садолари остида дадил одимлаб боришмоқда. Колоннанинг олдинги сафларида экскаватор машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хўжа Алиқулов, унинг ҳамкасби Ленин ва Октябрь революцияси орденлари кавалери Валентин Лазарев. Ишлаб чиқариш зарбдорлари, ёшларнинг толмас мураббийлари ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан эришилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Шаҳар саноатчилари тўрт ойлик планини ошириб бажардилар. Планга қўшимча равишда 1700 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Қўлга киритилган бу ғалабага майдонга кириб келаётган «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қурилиш-монтаж бошқармаси, 9-шахта коллективи муносиб ҳисса қўшди. Ҳозир июль ойи ҳисобига маҳсулот топшираётган бу коллектив биринчи квартал якунларига кўра шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети ва шаҳар комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди.

Намойишчилар орасида вақтдан ўзиб ишлаётганлар анчагина. 6-қурилиш бошқармасининг Дмитрий Зазулин бошлиқ ғишт терувчилар бригадаси аъзолари ҳозир 1983 йилнинг январь ойи ҳисобига ишлашмоқда.

Майдонга ўқув юртларининг талабалари кириб келишади. Жисмоний тарбия техникумининг ўқувчилари бажараётган спорт машқлари киши кўзини қувонтиради. Улар орасида мамлакат чемпиони, велоспортчи В. Киргимцев ҳам бор. У яқинда республика Министрлар Совети совғини учун ўтказилган кўп кунлик пойгада областимиз спортчилари қўлга киритган ғалабага салмоқли ҳисса қўшди.

## БЕКОБОД

ЭРТАЛАБ соат 10. Музика садолари авжига чиққан. В. И. Ленин номли марказий майдонга меҳнаткашлар вакиллари кириб келишади. Уларнинг қўлларида Коммунистик партия асосчиларининг, КПСС ва Совет давлати раҳбарларининг портретлари. Намойишчилар оқими билан майдонга кириб келаётган панно ва транспарантларда шаҳар меҳнаткашларининг қўлга киритаётган меҳнат ғалабалари ўз аксини топган.

Бекободликлар Май байрамини ажойиб ютуқлар билан кутиб олишди. Шаҳар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш биринчи квартал плани 101,8 процент адо этилди. Тўрт ойда пландан ташқари 787 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Майдонга биринчи бўлиб В. И. Ленин номли металлургия комбинатининг ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари кириб келишади. Улар чеҳрасидаги шодлик ва қувноқликнинг чеки йўқ. Чунки металлурглар байрамга муносиб совға ҳозирлашган.

Намойишчилар орасида 16-автокорхона шофёри Ҳабибулла Абдужабборов, «Бекободцемремонт» заводининг ишчиси Тоҳир Ғаффоровлар бор. Улар беш йилликнинг ўтган даври мобайнида икки беш йиллик планни бажардилар. Шаҳарда илғорлар намунаси тез оммалашди. Ҳозиргача 47 ишчи беш йиллик планни, 231 ишчи эса тўрт йиллик планини бажарган.

«КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаймиз!». Қирмизи паннога ёзилган бу алвон узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Дарҳақиқат, бекободликлар ўз сўзларини амалда исботламоқдалар. В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллиги шарафига ўтказилган коммунистик шанбаликда улар юксак уюшқоқлик намунасини кўрсатдилар. Қизил шанбаликда 37 минг киши иштирок этди. Улар кучи билан 41 минг сўмлик иш бажарилди. Жамғарилган маблағнинг 30 минг сўми Вьетнам фондига ўтказилди.

## ОЛМАЛИҚ

ТЎЙГА тўёна билан келиш халқимизнинг энг яхши меҳнат анъаналаридан. Олмалиқ шаҳри меҳнаткашлари баҳор байрамига ажойиб совға ҳозирладилар. Тўрт ойлик план муддатидан илгари бажарилди. Ой охиригача планга қўшимча равишда 1400 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Қурувчиларнинг меҳнат ютуқлари ҳам салмоқли бўлди. Байрам арафасида улар 2376 квадрат метр ҳажмдаги турар-жой биноларини, 280 ўринли болалар боғчасини фойдаланишга топширдилар. Кўпгина ишчи оилалари баҳор байрамида ҳовли тўйлари ўтказишмоқда.

Меҳнаткашлар кенг кўламдаги ишларни амалга ошираётганликлари туфайли бугун 1 Май намойишида мағрур қадам ташлаб бормоқдалар. Марш садолари остида биринчи бўлиб майдонга Олмалиқ химия заводи ишчилари кириб келишади. 1979 йил улар учун унутилмас бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш комплексини қуришда қатнашган химиклар, қурувчилар, монтажчилар, машинасозлар, лойиҳачилар коллективига ва унинг барча иштирокчиларига мактуб йўллаб, уларни эришилган катта муваффақиятлар билан қизғин ва самимий табриклади. Мактуб ишчи-хизматчиларни янги зафарларга руҳлантириб юборди. Кимёгарлар биринчи квартал якунларига кўра СССР Химия саноати министрлигининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишди.

Намойишчилар орасида 2-аммофос цехининг Скрябин бошлиқ смена аъзолари ҳам бор. Улар қўлидаги алвонларда коллектив ютуғи ўз ифодасини топган. Бугун смена аъзолари донадор аммофос ишлаб чиқариш бўйича йиллик социалистик мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида рапорт бераётирлар. Ҳозиргача мажбуриятда кўзда тутилган 3500 тонна ўрнига 3616 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Байрокдор коллективлар орасида Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчи-хизматчилари ҳам бор.

Майдонга тўрт ойлик планини муддатидан илгари бажарган азамат кончилар, тўқимачилик фабрикаси, 4-авторемонт заводи, металл конструкциялари экспериментал тажриба заводи коллективлари бирин-кетин кириб келадилар. Уларнинг кайфиятлари чоғ: чунки, ўз меҳнат ютуқлари ҳақида она-Ватанга яна бир марта рапорт беришмоқда.

Эрта тонгдан бошланган байрам шодиёнаси оқшомгача давом этди.

## ЧИРЧИҚ

Шаҳар байрам либосида. Беқиёс чирой кашф этган В. И. Ленин номли майдонда марш садолари баралла янграб турибди. Майин эсаётган шабада киши юз-кўзини силаб, унга ажиб бир кайфият бахш этади. Шаҳар аҳолиси шод-хуррам. Чунки, улар биринчи Май байрамига муносиб меҳнат совғаси ҳозирлашган. Саноатчилар тўрт ойлик планини муддатидан илгари бажардилар. Пландан ташқари 2 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**ОБЛАСТИМИЗНИНГ Янгийўл, Оҳангарон, Пискент, Ғазалкент, Янгиобод шаҳарларида ва бошқа районларда ҳам Биринчи май намойишлари зўр тантана билан ўтди.**

Эрталаб соат 10. Анъанага кўра марказий майдонга биринчи бўлиб меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари кириб келадилар. Улар, «Ура!» садолари остида гулдурос қарсаклар билан кутиб олинадилар.

Шаҳар корхоналари, муассасалари ва ўқув юртлари колонна тартибида бирин-кетин майдонга кириб келадилар. Колонналарнинг бирини Чирчиқ трансформатор заводи ишчи-хизматчилари бошқариб келишмоқда. Улар кўтариб олган транспарантларда корхона эришган ютуқлар акс эттирилган. Бу коллектив тўрт ойлик планни муддатидан илгари бажариб, умум ютуққа муносиб ҳисса қўшди. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Узбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати ишчилари ҳам вақтдан ўзиб ишлашмоқда. Шу комбинат ишчиси Зоя Ивановна Побединскаянинг меҳнат ютуқлари айниқса, довруғ таратган. У ҳозир нормадаги 8 станок ўрнига 18 станокни бошқармоқда. Новатор ишчининг календарида — ўн иккинчи беш йиллик! Трансформатор заводининг ишчиси Антонина Дугинанинг ҳам қувончи чексиз. У беш йиллик планни муддатидан илгари бажарди.

Майдонга 160-қурилиш трести бинокорлари кириб келадилар. Бугунги кунда улар бунёд этаётган маъмурий ва турар-жой бинолари шаҳар ҳуснига ҳусн қўшаётир. Байрам арафасида қўли гул бинокорлар 56 минг квадрат метр турар-жой биносини фойдаланишга топширдилар.

Майдондан ўтиб бораётган ҳар бир коллектив ўзи эришаётган меҳнат ғалабалари ҳақида она-Ватанга рапорт бермоқда.

Байрам қатнашчилари намойишдан сўнг маданият ва истироҳат боғлари, туристик базалари томон йўл оладилар. У ерда меҳнаткашларнинг маданий дам олиб, байрам шодиёнасини давом эттиришлари учун барча қулайликлар яратилган.



Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз чорвадорлари зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб ишлашмоқда. Хўжаликда 320 бош сигирнинг ҳар биридан 4700 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилинган. Суратда: (чапдан ўнгга) илғор чорвадорлардан бир группаси: А. Йўлдошева, К. Раҳматуллаева, З. Долимова, Г. Ўринбоева, Г. Раҳимбобоеваларни кўриб турибсиз.

А. Мальцев фотоси.

## ҚЎШ ҚУВОНЧ

ШУ ШОДИЁНА кунлар хотирамда абадий сақланиб қолади. Мен учун бу йилги май қўш қувонч келтирди. Партия ва ҳукуматим менинг камтарин меҳнатимни қадрлаб олий мукофот — Ленин ордени билан тақдирлади. Куни кеча бир группа ҳамкасбларим, шу жумладан, менга ҳам орден берилганлиги ҳақида газетада эълон қилинган СССР Олий Советининг Фармонини ўқиб тўлқинланиб кетдим. Май байрами арафасида тарқалган бу хушхабар бутун ҳамқишлоқларимизга ҳам қувонч келтирди.

Кишни меҳнатини шунчалик юксак қадрлаш, каттакатта орзу-ниятларга руҳлантириб юборар экан.

Шу тонг серфайз даламга дилда товланиб турган меҳр билан етиб келдим. Катта умид билан ташлаган уруғимиз замин юзини безаб, кўм-кўк кўкариб турарди. Унга заҳ билан тикиламан-у, кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшилади. Ахир ҳосилнинг тарози босиши шу кундан, ниҳолларнинг бут бўлишидан бошланади.

Эсимни танибманки пахта даласидаман, узоқ йиллик меҳнатим давомида шуни яхши биламанки, ғўзанинг саҳий тупроқ сийпасидан униб чиққандан тортиб то ҳосилини териб олгунга қадар унга парвона бўлмасанг кўнглингдаги ҳосилни олиш қийин. Шу важдан ниҳолларга ҳозирдан астойдил меҳр билан қарашга одат қилганмиз. Бўлмаса сўзининг уддасидан чиқаолмай, кўпнинг олдида ҳижолатда қоласан киши.

Бригадамиз бўйича 110 гектар майдонда пахта етиштирамиз. Кўп йиллардан буён шу майдонларнинг ҳар гектаридан 38—40 центнердан, об-ҳаво яхши келган йилларда эса ундан ҳам ошириб ҳосил кўтариб келмоқдамиз.

Бу йил ҳам гектаридан 40 центнердан пахта етиштиришни бўйича Социалистик мажбурият олганмиз. Ваъдага мувофиқ ҳирмон кўтариш мақсадида чигитни сифатли дорилаб, майдонларни пухта тайёрлаб қисқа муддатда экишни тугалладик. Бу ишда трактурчи Комилжон Хамиджонов ниҳоятда жон куйдириб меҳнат қилди.

Ҳозир қийғос униб чиққан майдонларда культивация ўтказдик.

Байрам биз учун ҳақиқатдан ҳам қўш байрам бўлди. Менга берилган мукофот бригадам, колхозимиз коллективига берилган мукофот деб биламан. Далаларимизда ана шу катта ишончга арзигулик ҳосил яратиш учун қизғин курашмоқдамиз.

**Мамажон МИРЗАҚУЛОВ**
**Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи.**

## СУТ СОҒУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

**ПИСКЕНТ районидаги Свердлов номли колхоз чорвадорлари социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Шунинг учун ҳам давлатга сут топшириш тўрт ойлик плани муддатидан илгари ортиғи билан бажарилди. Давлатга 140 тонна сут сотилди. Говмишлардан кўплаб сут соғиб олинди. Марҳамат Қаноатова, Марям Пардаева, Зарифа Умирова, Манзура Мирзақуловалар мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Улар ўзларига биркитилган сигирлардан кунига 10 килограммдан сут соғиб олишга эришмоқдалар.**

Қ. ҚОДИРОВА.

## МЕХАНИЗАТОРЛАР ОЛДИНГИ САФДА

**ТИМИРЯЗЕВ номли колхоз пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳосилдорликни ошириш билан бирга қишлоқ хўжалик техникасидан самарали фойдаланиб, «оқ олтин»-таннархини арзонлаштиришга аҳд қилишган. Шунинг учун ерни чигит экишга ҳозирлаш, экиш билан бир вақтда гербицид ва минерал ўғит солишда хўжалик механизаторлари масъулият ҳис қилган ҳолда ишладилар.**

**Эрғаш Қурбонов бошлиқ бригада далаларида техника восталари самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилди. Тажрибали механизатор Саттор Мелиев пахта майдонларини текислаш, чизеллаш ва чигитни қисқа муддатда сифатли экиб олишда ўз маҳоратини намойиш этди. Ҳозир у трактурга культиваторлар осиб ёш ниҳолларга ишлов беришни бошлаш учун шай бўлиб турибди. Бригада коллективи 45 центнердан ҳосил олиш учун кўкламнинг ҳар бир қимматли дақиқасидан унумли фойдаланмоқда.**

С. ТУРДИМАТОВА.
Бўка райони.

## «ҚАҲРАБО ДОН» КУПАЯДИ

РАЙОН меҳнаткашлари бу йил 1350 гектар майдонга экилган маккажўхоридан 100 центнердан дон ва 250 центнердан поя олишни мўлжаллабмақдалар. Бу борада «Оқ қўрғон» совхози ишчилари амалга ошираётган тадбирлар диққатга сазовордир.

Улар Оққўрғон районида биринчи бўлиб 260 гектар майдонга ВИР-338 навли маккажўхори экишган эди. Ҳозир бир текис ривожланаётган ниҳоллар агротехника қоидалари асосида парваришланмоқда. Ишчиларнинг меҳнат активлигини ошириш мақсадида ўзаро социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. Тўхтасин Қосимов ва Аннамурод Назаровлар бошлиқ бригада коллективлари меҳнат беллашувида пешқадамлик қилмоқдалар.

Хўжалик маккажўхорикорлари бу йил ҳар гектар ердан камида 100 центнердан дон ва 300 центнердан кўк поя олиш учун курашмоқдалар.

Ҳ. ТОҲИМАТОВ.



Тошкентдаги В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашларнинг биринчи Май намойишлари.

А. Абалян фотолари.

# ШАХТЁРЛАР ТОРТИҒИ

**РЕСПУБЛИКАМИЗ кочегаркаси ҳисобланган Ангрен кўмир ҳавзаси ишчи-хизматчилари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш юзасидан бораётган умумхалқ соцналистик мусобақасида фаол қатнашмоқдалар. Ишлаб чиқариш жараёнларини тинмай механизациялаш ва автоматлаштириш, янги технология ва илғор иш усулларини қўлланиш туфайли ёқилғи қазиб чиқариш давлат планларини муттасил ортиғи билан адо этишмоқда.**

**КПСС Марказий Комитетининг 1-Май байрами чақириқлари кончилар ғайратини янада авж олдириб юборди. Шунинг учун ҳам улар бугунги улуғ айёмни муносиб кутиб олишди. Йил бошидан бери республика халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун икки миллион тонна атрофида кўмир етказиб берилди. Унинг ўнларча минг тоннаси пландан ташқари қазиб чиқарилди.**

**Кончиларнинг бу меҳнат зафарига кўмир разрези коллективи муносиб ҳисса қўшди. Корхона меҳнат аҳли ўз ихтиёридаги қудратли кончилик асбоб-ускуналаридан самарали фойдаланиш туфайли ҳар куни пландагига қўшимча юзлаб тонна кўмир қазиб чиқармоқда. Айниқса, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хўжа Алиқулов бошчилигидаги экскаваторчилар бригадаси аъзолари фидокорона меҳнат қилишяпти. Уларнинг йил бошидан бери қўшимча қазиб чиқарган ёқилғилари миқдори ўн минг тоннадан ошиб кетди.**

# ҚАЛБЛАРГА ҚУЛОҚ СОЛИБ

Доклад тугади. Раислик қилувчи аста ўрнидан туриб залга юзланди.

— Кимда қандай саволлар бор?

Залдан нидо чиқмади. Чамаси докладда айтилган фикрлар мағзини ҳар ким ўзича чақарди. Хўжалик йили кўнгилдагидек якунланмади. 900 гектар майдондан мўлжалдаги 2740 тонна ўрнига аранг 2220 тонна пахта йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик 24,5 центнерда қолиб кетди. Докладчи нуқсонларни ҳаспўштлаб ўтирмади. Бор гапнинг ҳаммасини юз хотир қилмай тўкиб солди.

— Менга сўз беринг, — 7-бригада бошлиғи Деҳқонбой Алиқулов ўрнидан турди. — Докладчи айтган танқидий фикрлар ҳаммамизга тегишли. Тўғри, ўтган йилги об-ҳаво кўп жиҳатдан ҳосилга таъсир қилди. Лекин биз табиий қийинчиликлар олдида бўйин эгиб тураверсак буёғи нима бўлади?! 1977 йилда ҳам, 1978 йилда ҳам колхозимизда пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолди. Янги йилда қолоқлик доғини ювмасак эл-юрт олдида нима деган одам бўламиз.

Деҳқонбой ака рўмолчаси билан пешонасидаги терларни артиб олдида, яна сўзни давом эттирди.

— Ўтган йили бригадамизда ҳосилдорлик 24 центнердан ошмади. Ёмғир ёғавериб, ернинг шўрини чиқариб юборгандан кейин ниҳоллар сийраклашиб қолди. Агарда кеч кузда ёки эрта баҳорда карталарнинг қуйи томонидан чуқурроқ қилиб зовур қазилганда шундай кор-ҳол бўлмас эди. Ёмғир суви сизилиб зовурга тушарди-да, ернинг заҳи тезроқ қочарди, карталар шўрдан ҳоли бўларди. Бу йил албатта зовур олиш масаласини ҳал қилиш керак. Правление ҳам, партком ҳам бу масала устида жиддий бош қотириши лозим.

Деҳқон аканинг куйиниб гапиришидан мажлис раиси мамнун бўлди. Коммунист деган шундай бўлиши керак. У ютуқ ва камчиликларни санаш билан кифояланмай, нуқсонларни бартараф этиш йўлларини ҳам кўрсатиши лозим.

— Қани, кимда яна шундай конкрет таклифлар бор? — Раис залда ўтирган коммунистларга бир-бир қараб чиқди.

— Икки оғиз менга гап беринг, — минбарга чиқди 2-бригада бошлиғи Дўсан Фармонов. — Ҳосил гектардан олинади. Бу ҳаммамизга аён. Гектарлар тўлиқ ва яхлит бўлса, сув ғўзанинг қонжонига сингиб боради, машиналарнинг елиб ишлаши учун кенг йўл очилади. Биздаги карталарнинг кўпчилиги ундай эмас. Ортиқча ариқлар, кемтик ерлар талайгина. Ўқариқларни текислаш ҳисобига, карта бўйларини охиригача тақаб ҳайдаш билан ерга-ер қўшиш мумкин. Ёрни молалаш усулига ҳам янгилик киритиш керак. Ёғоч мола тупроқ суришга енгиллик қилаяпти. Иложи бўлса темир тўсиндан фойдаланиш керак. Мола оғирроқ бўлса, карталарнинг паст-баланд жойларига тупроқ суриб, кафтдек текислаб кетади.

Коммунистлар ҳақ гапни айтишди. Улар билдирган фикрлар йиғилиш протоколига ёзиб қўйилди. Бу таклифларни амалга ошириш устидан пухта назорат ўрнатиш парткомга топширилди.

### ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОММУНИСТЛАР ТАКЛИФИ АМАЛДА

Ўша кунги йиғилишда қабул қилинган қарорлар ижроси устидан кейинчалик катта ишлар қилинди. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича район партия комитети, район ижроия комитети олдига конкрет таклифлар қўйилди. Юқори ташкилотларнинг раҳбарлари колхоз коммунистлари билдирган қимматли таклифларни амалга ошириш юзасидан дарҳол шошилинч чоралар кўришди.

Марказдан келган мелиораторлар колхоз далаларини аринмай айланиб чиқиб, жами 9,3 километрлик зовурлар қазиш лозим деб топишди. Ўша кезларда ҳаво ҳам ёришиб турган эди. Етиб келган экскаватор дарҳол ишга киришиб кетди. Колхоз мелиоратори ишнинг бориши тўғрисида вақти-вақти билан партком мажлисларида ҳисоб бериб борди.

Назоратнинг пухталиги туфайли қисқа вақт ичида экскаватор 10 минг сўмлик иш бажариб қўйди. Ҳозир зовурларнинг сўнгги километрлари қазиляпти. Зовурлар қазилган сари сизот сувлари қочиб, карталарнинг шўри йўқолаяпти. Бу йил иш энди бошқача бўлади, деҳқон мўлжалдаги «оқ олтин» ҳосилини олиб, эл-юрт олдида боши кўкка етади.

Шундай ҳам бўлиши керак. Куз ва қиш давомида колхозчилар тиним билишмади. Механизаторлар ерларни ўғитлаб чуқур ҳайдадилар. Илгарилари «пўстинба»га чиқиб кетган карта четлари ҳам оборотга киритилди. Кераксиз ариқлар текисланиб ерлар кафтдек қилинди. Шу тариқа колхоз ерига янгидан 20 гектар ер қўшилди.

— Партия йиғилишларининг бирида коммунистлар ўрта бўғин кадрларини танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш юзасидан фикрлар билдирдилар, — дейди «Озод» колхози партия комитетининг секретари Абдулла Маъдиев. — Улар ҳар бир раҳбар топширилган вазифа учун масъулиятни чуқур ҳис этиши, ишга ижодий ёндошиши, ташаббусларни қўллаб-қувватлаши лозимлигини уқтирдилар. Дарҳақиқат кадрлар масаласи илгари ҳам партком мажлисларида бир неча бор муҳокама қилиниб қолоқ бригада, звено бошлиқлари огоҳлантирилган эди. Лекин улар бундан тегишли хулоса чиқариб олмадилар. Бўлмаса ҳамма имкониятларга эга бўлган Турсунали Талабов бошлиқ бригада гектар бошига 15 центнердан ҳосил олармиди. Бошқа участкаларда ҳам шундай ҳол юз берди. Пировардида колхоз плани 80 процентда қолиб кетди.

Коммунистлар таклифи билан колхоз правлениеси ва партия ташкилоти кадрлар масаласини алоҳида кўриб чиқди. Ҳал қилувчи участкаларга ёш, ишчан, ташаббускор кадрлар раҳбар этиб тайинланди. Колхозда илгари 8 та пахтачилик бригадаси бор эди. Айрим бригадалар ери ниҳоятда кенг бўлганлиги учун ҳам раҳбарлик бироз қийинлашиб қолди. Шундан кейин колхоз правлениеси бригадаларни ихчамлаштириш ҳисобига яна бир бригада тузишга қарор қилди. Илгари маккажўхоридан юқори ҳосил олиб барчага намуна бўлган ёш коммунист Абдусаттор Соипов янги тузилган бригадага раҳбар этиб тайинланди. Планни бажаролмай қолган 8-бригада раҳбари ҳам ўзгартирилди. Ёш коммунист Қўшали Исмоилов қолоқ бригадага бошлиқ бўлди.

Правление ва партком мажлисларида звено раҳбарлари бир-бир аттестациядан ўтказилди. Мажлисда ҳар бир звенонинг ўтган йилги иш якунлари чуқур анализ қилинди. Кўпчиликнинг фикри билан 4, 5, 6-бригадалардаги звено бошлиқлари ўзгартирилди. Янги звено раҳбарлари ишда бурилиш ясашга, ўтган йилдаги қарзларни бу йил узишга сўз бердилар.

Ваъдага вафо мардниг иши деган нақл бор. Ҳозир ҳамма пахтакорлар эрта баҳорда берилган ваъданинг уддасидан чиқиш учун белни маҳкам боғлаганлар. Улар беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳосилдорликни 35 центнерга етказиб, она-Ватанга 2436 тонна «оқ олтин» армуғон этишга сўз беришган.

Экиш арафасида коммунист Камол Мусалломов ўз зиммасига янги ошириган мажбурият олди. У гектар бошига 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз берди. Оддий коммунистнинг бу ташаббуси кўпгина бригада раҳбарлари қалбига чўғ солди. Дўсон Фармонов ҳам ҳосилдорликни 40 центнердан оширишга ваъда берди.

Ҳозир юқори ҳосил учун кураш юзасидан бошланган ташаббус кўпгина участкаларга ҳам ёйилмоқда. Ҳар бир пахтакор мавжуд резервларни ишга солишга, қолоқлик доғини ювиб, бу йил ғолиблар сафидан ўрин олишга интилмоқда.

**Ж. НОСИРОВ.**
**Оққўрғон райони.**




Бугунги Тошкент. Хадра майдонига туташган Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти ана шундай сўлим ва кўркам.

А. Абалян фотоси.

*ЎТМИШГА НАЗАР*

# УЧРАШУВ ОЛДИДАН

Соҳибжамол қиз жангчилар рўпарасида вазмин турарди. Тим қора кўзларида калб ҳарорати учқунланарди. Ҳозир у гапира бошлайди, шунда оу учқунлар аланга олиб, унинг бутун вужудини қамрайди. Зебо Ғаниева бундан бошқача гапира олмайди.

Унинг ўзи ким? Жанговар мукофотларига қараганда — Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси. Шим кийиб олгани модапарастлигининг нишонаси эмас яраланган оёқлари чандиқ бўлиб қолганидан.

Унинг чеҳраси чуқур ўйга толганида, уни олим деб таҳмин қилса бўлади. Бу ҳам тўғри. Зебо Пошшаевна Ғаниева — фан кандидати, шарқшунос. Аммо дам ўтмай латофат билан майин ҳаракат қила бошлаганда, ҳамма нарса равшан бўлади, у — актриса! Ҳа, Зебонинг санъатга ҳам даҳли бор-урушдан аввал у театр санъати даалат институтида ўқиган, «Тоҳир ва Зуҳра» фильмида бош роллардан бирини ижро этган.

Бугун Зебо-ёш таманчи жангчилар меҳмони. У ёш жангчиларга қайси сўзлар билан мурожаат қилса экан? Албатта, фронт тўғрисида. 3-Москва коммунистик дивизияси тўғрисида гапириб беради, унинг ўзи шу дивизия сафида жанг қилишга мушарраф бўлганини айтади. Зебо гвардиячи оддий солдат деган камтарин унвон билан жанг қилди. У эндигина ўн олти ёшга тўлганида кўнгилли равишда жангга кетди. Фронтда мерган бўлиб ном чиқарди. Сўнгра эпчил, аббжир Зебони разведкага юбора бошладилар.

Бу ажойиб қизнинг ғайритлик табиати урушда ҳам сўнмади. Жанглар ўртасидаги дам олиш пайтларида сумбулдек сочларини ёйиб юбориб, бир даҳзада актрисага айланиб қоларди. Шўх ўзбек рақсини ижро этар ёки полкдошларига шеър ўқиб берарди.

Аммо концерт тугаши биланоқ Зебо Ғаниева елкасига снайперлик милтигини илиб оларди.

...Хўш, у ўзининг бугунги нутқини нимадан бошласа экан? Кунлардан бирида армияга эндигина чақириладиган ўспиринлар билан учрашув чоғида у залга яқинда солдатлик формасини кийган йигит қимтиниб оёқ учида кириб келганини пайқади. Ўшанда у ўз полкдошларидан бири тўғрисида гапириб берган эди. Унинг землянкага оҳиста кириб келишини, бирон-бир бурчакка аста жойлашиб, йўқдек бўлиб кетишини, қимирламай ўтириб олиб, теварак атрофдагиларга қизиқиб тикилишини гапириб берди. Жангда командирни ўлдирганларида ўша одам взводни оёққа турғизиб, атакага бошлаганини айтди.

Залда шовир-шувур бошланади. Икки сержант кириб келган эди. Уларнинг бирини чеккага, иккинчисини ўртароққа тезроқ ўтказиб қўйишга ҳаракат қилишарди. Аммо улар ёнма-ён ўтиргилари келаётгани сезилиб турарди. Булар — ажралмас дўстлар экан, деб ўйлайди Зебо. Ана шундан илҳомланиб ҳақиқий, фақат фронтларда бўладиган дўстлик тўғрисида гапира бошлайди. У уруш йўлларида ажойиб кишилар билан кўп марталаб учрашган. Ишда эса Зебо ҳамманинг дилига ёқар: жасоратда ҳам, мерганлик маҳоратида ҳам тенгсиз эди. Аммо барибир қиз болага бошқача муносабат бўлар эди. Мана ҳозир у кимнингдир меҳрибон қўли бир чақим қанд узатганини ёки кекса солдат ўз шинелини унинг устига ёпиб қўйганини уйқу аралашиб сезиб қолган пайтларини эслайди.

Айниқса, у оғир яраланганида дўстлик ёрдам берди. Зебони фронтдан самолётга солиб Москвага — Склифосовский институтига олиб келдилар. Бу ерда у салкам бир йил ётди. 17 та операция қилинди. Шу вақт ичида полкдошларидан унга хатлар, посилкалар кетма-кет келиб турди. Фронтчилардан бирон киши Москвага йўли тушиб қолса, албатта палатага кириб ўтарди. Кунлардан бирида бир неча киши, ҳаммалари оқ халатда кириб келишди. Булар — МХР делегацияси эди. Маршал Чой Балсин олдинда келар эди. «Зебо, сен жасур қиз экансан? Соғайганингдан кейин Мойголияга бор».

Зебо госпиталдан чиққач, университетга кириш учун ўз юрти Тошкентга кетди: фронт ва театр орқада қолди...

Аммо худди шу пайт Зебони кинода суратга тушишга, «Тоҳир ва Зуҳра» фильмида малика Моҳим ролини ўйнашга таклиф қилишди. Шунда Зебо: мендан қанақа малика чиқарди, ҳассага таяниб зўрға юраяпманку!— деб кулиб юборди.

Аммо режиссёр ўз айтганида туриб олди. Суратга олишнинг биринчи куниёқ унинг оёқлари зирқираб оғрий бошлади. Иситмаси кўтарилди... Аммо чекинишнинг иложи йўқ эди. Ана шунда Зебо, худди фронтдаги каби ўзига-ўзи: бардош бериш керак!— деб хитоб қилди.

Бардош, берди ҳам. Суратга олиш тугалланди. Аммо у госпиталга тушди. Зебо университетга ўқишга кириб, фан асосларини эгаллашга киришганида ҳам қайта-қайта госпиталга бориб даволаниб турди. Аспирантурани тамомлаганида ҳам госпиталга қадам ранжида қилди. Ҳаммаси бўлиб уни 35 та операция қилишди.

...Дарвоқе, суҳбатни бошлаш керак, мана, қисм командири ҳам унга бош иргади. Зебо ўз командирлари тўғрисида ҳам гапириб беради. Уларнинг биринчиси — граждан урушининг қатнашчиси, тажрибали инсон ҳақида албатта гапиради. Ўзбекистондан келган қизнинг вужудидаги жасорат ва ўткир кўзни пайқаб, мерганлар мактабига юборган ўша киши эди.

Зал тинчланади, сукут чўкади. Зебо Ғаниева гапира бошлайди...

**Антонина ГУЛЯЕВА.**
**(«ПРАВДА» газетасининг 30 апрель сонидан).**

# РОССИЯ ТАРОНАСИ

(«СИБИРЬ САЙҚАЛЛАРИ» ТУРКУМИДАН)

МЕН 1978 йилда Сибирь саёҳатида бўлдим. Сафар давомида азим Обь дарёсининг икки қирғоғига жойлашган улкан Новосибирск, бир вақтлар Сибирга сургун қилинган декабристларга ўз қучоғидан жой берган Иркутск, жаҳоннинг энг гўзал кўлларидан бири Байкалнинг сўлим қирғоқларига жойлашган Байкальск ва хилма-хил руда конларига мўл Слюдянка сингари шаҳарлар билан танишдик, сайр қилдик, ўргандик. Тайганинг қоқ ўртасида Ангара дарёси ўзанига қурилган машҳур Братск ГЭСи ҳамда Братск шаҳри манзаралари, бетакрор ўрмонлари менда жуда яхши таассурот қолдирди.

Сафар пайтида суткалаб поездда юрдик, соатлаб самолётда учдик, Обь, Ангара дарёлари ва Байкал кўли бўйлаб пароходда суздик. БАМ йўлларида елкада рюкзак билан пиёда юришга тўғри келди. БАМ қаҳрамонлари билан суҳбатлашдик.

Сибирь сафари натижасида «Сибирь сайқаллари» туркумини ташкил этган шеърлар, балладалар ва достон ёзилди. Ушбу туркумга кирган шеърларнинг айримларини ўқувчилар эътиборига ҳавола қилмоқчиман.

## ЁЗГИ МОМАҚАЛДИРОҚ

Байкал тоғи ортидан зумда
Қора булут бўлди-ю,
пайдо,
Чақмоқ чақиб ёп-ёруғ кунда,
Жала қуйди челаклаб гўё.
Жала
Ўрмон ғуборин ювар,
Котлованлар айланар кўлга.
Машинасин шофёрлар
қувар, —
Шағал тўкиб
бўлгуси йўлга.
БАМ йўлларн этмоқда
давом,
Қурувчилар ҳеч тинним
билмас,
Иш тўхтамас
на қиш,
на кўклам,
Улар вақтдан орқада
қолмас.

## КУМУШРАНГ ЧАҒАЛАЙ

Юрдим кўлни ёқалай,
Кўрдим кумуш чағалай.
Қаноти пахтадай оқ,
Кўзлари қора мунчоқ.
Байкал экан ватани,
Кумушдек қуйма тани,
Билмадим не деганин,
Омуль экан еганн.
Учишлари шиддатли,
Боқишлари жирҳатли,
Айниқса кун ботарда,
Балиқ жонн хатарда.
Сувдан сапчиса балиқ,
Қочиб кетолмас аниқ.
Укдай умиб чағалай,
Узини отиб чамалаб—
Балиққа солар чанғал,
Кўтарилар сўнг данғал:
Йилимизнинг тўрт фасли.
Балиқ тутишни асли —
Ундан ўрганса арзир,
Осмондан кўрар базўр.
Юрдим кўлни ёқалай,
Кўрдим кумуш чағалай.

## ТАЙГА КЎЗГУСИ

Тайгани тасаввур қила
олмасдим,
Мана,
БАМ йўлида бораётибман.
Инжиқ табиатни
ростн,
билмасдим,
Ўрмон,
ботқоқ,
сувда
юраётибман.
Тайганинг кўзгуси—
зўр Байкал,
энлоп,
Чалқиган сувида
ер-кўк намоён.
Ям-яшил тайгага ақлинг
қолур лол,
Сибирь сир-асрори
бўлмоқда аён.
Истиқбол йўлини
очган мардона—
Ёшларга,
—«ҳа!»—дея,
сафида юрдим.
БАМда
ўз имконим
синаб расмона,
Тайга кўзгусида
ўзимни кўрдим.

## КЕЛАЖАГИ ЎЙЛАНТИРАР

Байкал узра қалқиб булут
Сузиб юрар мисли парқу,
Сувга қўниб,
балқиб булут,
Ёки кўлдан ичармн сув!!
Сув юзидан муз кўчгандай
Парча-парча бўлар булут,
Назаримда муз учгандай,
Кўкка парвоз қилар булут.
Ҳаёлларим булут мисол,
Кўл устида учиб юрар,
Кўз олдимда тенгсиз
Байкал,
Келажаги ўйлантирар.

Барот ИСРОИЛ.



Калининн районидаги 16-мактабда пионер ва ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига алоҳида эътибор берилган. Улар ленинча синовлар машғулотларида КПСС съездларига оид муҳим ҳужжатларни ўрганиб борадилар. Бу ишда мактаб бош пионер вожатыйси Ҳалима Абдураҳмоновнанинг ҳиссаси катта. Суратда: Х. Абдураҳмонова пионерлар билан навбатдаги машғулотга тайёргарлик кўрмоқда.

А. Мальцев фотоси.

# ШОИРЛАР — БОЛАЛАРГА

ЯҚИНДА Оҳангаронда болалар учун асар ёзувчи санъаткорлар билан китобхонлар учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувни Оҳангарон район партия комитети, район маданият бўлими, область «Билим» жамиятининг адабиёт ва санъат илмий-методик Совети ўтказди. Мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, маданият ходимлари, хўжалик меҳнаткашлари пойтахтдан меҳмон бўлиб келган атоқли болалар шоири, Ҳамза мукофотн лауреати Қуддус Муҳаммадий, Илёс Муслим, ёш шоирлардан Султон Жаббор, Темир Убайдулло ва Муқаддас Абдусаматоваларни илиқ кутиб олишди.

Шоирлар Ватан, партия, бахтли болаликни мадҳ этувчи янги шеърларидан ўқиб беришди.

**Ж. МЎМИНОВ,**
**«Билим» жамияти референти.**

# ПАРРАНДАЛАР КЎПАЯДИ

ШУ КУНЛАРДА Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси цехларини реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш ишлари қизғин давом этмоқда.

Бу йил фабрикада боқилаётган товуқлар сони 75 мингтага кўпаяди. Натижада шаҳарликларни паррандага гўшти ва тухум билан таъминлаш анча яхшиланади.

Бундан ташқари иккита паррандахона, жўжа очиradиган 11 та хона ҳам битиш арафасида турибди. Венгрия, ГДРдан келтирилган ускуналар ёрдамида паррандаларни автоматик усулда боқиш, жўжа очиришни тезлаштириш ишлари йўлга қўйилмоқда. Айни пайтда паррандабоқарлар учун кўркам турар-жой биноларн бунёд этилмоқда.

М. ЗАРИПОВ.

# Спорт

## КОСМОНАВТ МУКОФОТИ УЧУН

Пойтахтимиздаги «Пахтакор» стадионида биринчи космонавт Юрий Гагарин хотира совриии учун енгил атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида республика шахсий команда биринчи мусобақалари бўлиб ўтди. Ғолиблик учун областлар ва Тошкент шаҳрининг 11 командаси куч синашди.

Тўрт кун давом этган беллашувлардан кейин биринчи группада қатнашган «Ёш куч» командаси 856,5 очко тўплаб биринчи бўлди. «Меҳнат» жамияти енгил атлетикачилари иккинчи, спартакчилар учинчи бўлдилар.

Иккинчи группада «Меҳнат резервлари» командаси ғолиб келди.

Шахсий ҳисобда «Спартак» вакили Л. Кирюхина 400 ва 800 метрларга бўлган югуришда биринчиликни олди. Баландликка сакрашда «Ёш куч» вакили И. Прохоров ғолиб келди. Қобилиятли бу спортчи 2 метр баландликдан ошиб ўтди.

## СОБИК ЧЕМПИОН ОЛДИНДА

Жаҳоннинг энг кучли шахматчилари бахсида собиқ жаҳон чемпиони Михаил Таль 14-турда Ларсен билан дуранг ўйнаб, 9,5 очко тўплади ва пешқадамликни қўлга олди. Шу турда Портишга қарши дона сурган Карпов ўйинни кечиктирди. Жаҳон чемпиони А. Карпов ҳисобида 9 очко ва иккита кечиктирилган ўйин бор.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.


# Реклама ва эълонлар

**Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети**
182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йилига
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**электр пайвандчи-арматурачи, монтажчи-ғишт терувчи, автомашиналарни ремонт қилувчи слесарь, темир-бетон конструкцияларини монтаж қилувчи монтажчи, бўёқчи, дурадгор, сувоқчи, электр-газ пайвандчи.**

**Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги, 8—10 синфни битирган йигит-қизлар қабул қилинади.**

**Ўқиш муддати — 1—3 йил.**

**Бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилади.**

**Билим юртини битирганларга диплом берилади.**

**Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.**

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ва ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақининг учдан бир қисми билан таъминланадилар. 10-синфни битирганлар 30 сўмдан стипендия оладилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

**Билим юртини битирганлар «Таштрактороспой» трестига ишга юбориладилар.**

**Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:** директор номига ариза, таржимаи ҳоли, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), турар-жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, характеристика, 8 дона фотосурат.

**Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев район, (17-автобуснинг, «12-турар-жой шаҳарчаси», 22-трамвайнинг 2-Шимолий-Шарқ массиви бекатлари). Багратион кўчаси, 4-уй. Телефон: 62-72-73.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
9-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1963—64 йилларда туғилган 8-синф ҳажмида маълумотли
ҚИЗЛАРНИ
ВОЛЕЙБОЛ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СПОРТ ГРУППАЛАРИДА ЎҚИШЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ УЧУН

## ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳунар-техника билим юртида ўқувчилар ўрта маълумот оладилар ва полиграфчи касбини эгаллайдилар (харф терувчи, муқовасоз, линотипист, печатник). Шу билан бирга улар тажрибали тренерлар раҳбарлигида ўзларининг спорт маҳоратларини ошириш имкониятига эга бўладилар.

КАМИДА 1-УСМИРЛАР РАЗРЯДИ ДАРАЖАСИДА СПОРТ ТАЙЁРГАРЛИГИГА ЭГА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

Қабул қилинганлар бепул уч маҳал кучли овқат, спорт формаси ва инвентарлари, формали кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фоидаланадилар.

УҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

АРИЗАЛАР — 20 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Спорт ихтисоси бўйича контроль нормативларини топшириш 1 августдан 20 августгача утказилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Нурхон кўчаси, 21-уй. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 77-10-56, 77-10-33.


# Телевидение

## МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.20 — Гимнастика. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.25 — Архитектура. Янги ансамблар. 10.55 — «Чиполлино» балети. 12.45 — Мульт. фильм. 12.55 — Москвичка. 14.10 — Жаҳон ва Европа энг кучли фигурачиларининг намунали чиқишлари. 15.30 — Сеҳрли давра. Бадиий фильм, 2-серия. 16.35 — Эстрада концерти. 17.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» (Москва) — «Динамо» (Киев). 18.45 Москванинг чет эллик меҳмонлари. 19.10 — А. Хачатурян. Тантанавор поэма. 19.30 — «Кичик ер». 2-фильм. 20.25 — Севишганлар қиссаси. Бадиий фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Севишганлар қиссаси. 2-серия. 23.10 — Концерт. 24.00 — Янгиликлар.

## ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Болалар концерти. 11.00—Биз қувноқ ва шодон яшаймиз. 11.30 — СССР халқ артисти Тамараҳоним. 12.35 — Театр учрашувлари. 14.00 — Фильм-концерт. 17.35 — Мультфильм. 18.00 — Концерт. 18.30 — От спорти байрами. 19.15 — Ахборот. 20.45 — Байрам концерти. 21.30 — Вақт. 22.05— Фильм-концерт. 22.35 — Цирк, цирк, цирк!

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Пазанда. Бадиий фильм. 20.05 — Юлдузча. 20.45 — Концерт. 21.10 Қисқа мет. ражли бадиий фильмлар.

# ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/V да Флория Тоска, 4/V да Концерт (билетлар сотилган). 5/V да Пётр I.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/V да Соқов рицарь, 5/V да Томоша давом этади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/V да Тошкентнинг нозанин малинаси, 4/V да Шаҳзода ва етим қиз, 5/V да Она қизим.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/V да Ишқ қурбонлари (19.00), 4/V да Чандиқлар (19.00), 5/V да Отилмаган ўқ (19.00).

# ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЯНГИ ПРОГРАММА: катта цирк томошалари 2/V да 12.00, 16.00, 19.30 да.

# ЧУМОЛИГА ОЗОР БЕРМАНГ!

ИНСОН ВА ТАБИАТ

МАМЛАКАТИМИЗДА мана қарийб ўн йилдан бери чумоликларни сақлаш, кўпайтириш ва жойлаштириш мақсадида муайян тадбирлар амалга оширилляпти. Бу атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган катта программанинг узвий қисмидир. Чумолилар, маълумки, хавфли зараркунандаларни қиради. Ҳисоб-китобларга қараганда, чумоликларнинг бир кўрғони кунига бир килограмм зарарли майда ҳашаротни йўқотар экан. Уларнинг ҳар бир «оиласи» чорак гектар ўрмонзордаги дов-дарахтларни зараркунандалардан ҳимоя қилади.

Бундан ташқари, тупроқни юмшатиб, дарахтларнинг илдизига ҳаво ва сув бориб етишини таъминлашда чумолига тенг келадигани йўқ. Улар тупроқ қатламига органик моддаларни олиб кириб ерда унумдорлик қатлами яратишга ёрдам беради, тупроқдаги кислоталар мутаносиблигини бошқариб туради. Шуларнинг натижасида чумоли уялерига яқин бўлган дарахтлар яхши ўсади.

Олимлар иккита участкада таққослаш тажрибаси ўтказишди. Участкалардан бири ўрмонзорда бўлиб, у ерда ўнта чумоли уяси бор эди. Иккинчи участка чумолилардан тоза дала бўлиб, унинг тупроғига кўп йиллар давомида юқори агротехника талаблари асосида ўғит солиниб борилди. Тажриба шуни кўрсатдики, ўрмондаги участка тупроғида углерод, фосфор, азот, калий ва бошқа тўйимли элементлар даладаги участка тупроғидагига қараганда 10—15 баравар ортиб кетган.

Чумолининг фойдаси шу билангина чекланмайди. Мисол учун айтганда, чумоли йўқ ерга қизилиштон бормайди, натижада дарахтлар қуртга ем бўлиб, қуриб қолади. Агар ўрмонда битта чумоли уяси бузиб йўқотилса, у билан бирга фойдали жониворларнинг бутун бир комплекси тугаб битади. Тупроқда яшовчи майда умуртқалилар ўлади. Майсалар қопламн сўлийди. Буталарнинг чидамлилигига путур етиб, ўсмай қолади, ўрмон инқирозга юз тутади.

Ҳозир юз минглаб чумоли уялари ҳисобга олиниб, махсус карталарга киритилган. Бир неча минг чумоли уялари бошқа жойга кўчириб жойлаштирилди, улардан кўпчилиги янги шароитга мослашиб олди. Масалан, Украинада 200 минг чумоли янгидан уясига жойлаштирилди, 230 мингтага яқин уя атрофи тўсилди. Тажриба мақсадида шимолий ва ғарбий областлардан чумоли камчил бўлган жанубий ўрмонларга ана шу жониворларнинг оилалари кўчирилди.

Чумолилар ўртасида меҳнат тақсимоти, катта оилани бошқариш системаси, уларнинг «тил»ини ўрганиш олимлар, хусусан энтомологларда катта қизиқиш туғдирмоқда.

**Е. АЛЕКСАНДРОВ,**
**АПН мухбири.**


БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент,—П, ЛЕНИН кўчаси, 41, | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01948. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2385.